



# ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 18 июль № 29 (257) ●

Сотувда нархи эркин

**Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил биринчи ярим йиллигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазир А. Ҳ. Ҳўрабоев олиб борди. «Алоқа соҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якуни ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида» Алоқа вазир маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида маълумот берди.**

Вазирлик тасарруфидаги алоқа корхоналари ўтган олти ой мобайнида режадаги қатор ишларни амалга оширишди. Жумладан, алоқа корхоналари томонидан 5,043 миллиард сўмлик даромад олинди, аҳолига 1,17 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди, соф даромад эса 2,17 миллиард сўмни ташкил этди. 33,2 миллионга шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар амалга оширилди. 773 минг дона шошилинчоналар, 5,07 миллион дона хатлар, 16,2 минг дона юбортма ўз манзилига етказилди. Почта корхоналарида қўшимча хизматлар кўрсатиш, ахборот узатишни компьютерлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Соҳада молиявий аҳволни яхшилаш, давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳамда чет эл фирма, компаниялари билан ҳисоб-китобларни олиб бориш борасида талай ишлар қилинди.

Олти ой ичида 1,183 миллиард сўмлик капитал-маблаг ўзлаштирилди ва 629,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шунингдек, 16,65 минг рақамли янги АТСлар қурилди, 43,53 минг рақамли АТСлар қайта таъмирланди. Тошкент шаҳрида чет эл фирмалари билан ҳамкорликда шаҳар телекоммуникация ҳалқаси қуриб битказилди. Транс-Осиё-Европа ишга талоли кабель магистралининг қурилиши охиригача етказилди, энди уни ишга тушириш лозим. Шу давр мобайнида соҳада сифатли хизмат кўрсатиш, корхоналарда-

ги айрим муаммолар, нафақаларни вақтида етказиб беришдаги мушкулликлар бирмунча ўз ечимини топди.

Ҳозирги кунга келиб алоқа корхоналарини (почта ва махсус корхоналардан ташқари) давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳисоб-китобларни олиб бориш имконияти яратилди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси ўз қарори билан республикада ҳусурийлаштириш лозим бўлган корхоналар рўйхатини тасдиқлади. Бунда асосан электралоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш кўзда тутилди, уни амалга ошириш бўйича вазирлик ҳамда «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат бирлашмасида тadbирлар ишлаб чиқилди. Электралоқа соҳасига сармоя жалб қилиш мақсадида вазирлик томонидан асосан қўшма корхона тузиш йўналиши қабул қилинган. Лекин жорий йилнинг ярим йили ичида бирорта ҳам корхона ҳиссадорлик жамиятига ёки қўшма корхонага айлантирилмади.

Ўтган 1996 йилда алоқа соҳасида рақобатчиликни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 майданги Қарорига мувофиқ Алоқа вазирлиги олти турдаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Низомни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳол-

да тасдиқлади. Ҳозирги кунга келиб Алоқа вазирлиги томонидан 135 та лицензия келишуви қўриб чиқилди ва 6 тур фаолият учун 114 та лицензиялар берилди.

Алоқа соҳасининг бозор иқтисодиётига ўтишида кўп турдаги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва янги техника-технологияларнинг республика алоқа тизимига кириб келиши Алоқа вазирлиги, «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат бирлашмаси, Илмий-текириш маркази зиммасига тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишни юклаган эди. Жорий йилнинг ярим йили ичида 14 та ҳужжат тақдим эти-

та аҳамиятга эгадир. Бу борада Халқаро ҳисоб-китоблар ва шартномалар маркази барча чет эл алоқа маъмуриятлари, фирма ва компаниялари билан муайян равишда шартномалар тузиб, улар билан кўрсатилган халқаро хизматлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ишларини олиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида олинган валюта тушумлари 3,062 миллион долларни ташкил этди. Аммо ҳозирги пайтгача, «Ўзбекистон маркази» томонидан 1997 йил учун мўлжалланган валюта тушумларидан ҳеч қандай амалий натижа бўлмади.

Соҳада иқтисодий барқарор-

да солиқларни тўлаш жиддий масала бўлиб турибди. «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат бирлашмаси корхоналарида дебитор қарзлар 1,4 миллиард сўмни ташкил этади.

Алоқа вазирлиги ҳайъати «Алоқа соҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якуни ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида» маълумотларни тинглаб, бу борада тегишли қарор қабул қилди.

Қўрилган масалалар юзасидан бўлган музокарада Давлат алоқа назорати бошлиғи Ш. Исломов, «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат бирлашмаси Бош директорининг биринчи ўринбосари Т. Бикметов, «Ўзбектелеком-интернейшн» ҳиссадорлик жамиятининг Бош директори Ш. Худойбердиев, Бухоро давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Х. Жалилова, Республика алоқа ҳодимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Назаржоновлар қатнашди. Ҳайъат йиғилишида бошқа муҳим масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Жумладан, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида маҳаллий телефон тармоғини ривожлантиришнинг бериши ҳақида «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат бирлашмаси Бош директорининг биринчи ўринбосари Т. Бикметов маъруза қилди. Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари В. Штейнберг ОЕЦФ Япон кредитининг ўзлаштирилиши ҳақида ахборот берди. «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Зикоровнинг Қўриқ почта алоқа боғламасида рўй берган бахтсиз ҳодиса ҳақидаги маълумоти тингланди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими С. Абдурахмонов қатнашди.

Иzzат АХМЕДОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИДА

лиши лозим эди. Бироқ шулардан 4 та меъёрий ҳужжат тасдиқланди, холос.

Ўтган йили тайёрланган «Почта ҳақида»ги Қонун ташкилотлар ўртасида ҳамон сарсон бўлиб, ўз ечимини топмаган.

Маълумки, 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган. Бу ҳусусда алоқа корхоналари маъмурияти ва касабга уюшмалари билан биргаликда бир қанча тadbирлар ишлаб чиқилган. Бу тadbирлар ўз навбати билан амалга оширилляпти.

Иқтисодий қийинчиликлар туфайли телефон ўрнатиш бўйича абонентлар сони камайиб кетиши каби муаммолар пайдо бўлди. Шунинг учун тармоқларни қайта қуришга катта эътибор берилди. Тошкент шаҳридаги барча электр станциялари «б»лик рақамдан алоқа тармоғининг янада ривожланишига кенг имконият берадиган «7»лик рақамга ўтказилмоқда.

Соҳани ривожлантириш ва тақомиллаштиришда халқаро муносабатларни кенгайтириш кат-

таш, улар орқали алоқа тизимларини, воситаларини тақомиллаштириш асосий йўналишлардан биридир. ДЭУ корпорацияси билан тузилган «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонаси Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига шартномага мувофиқ 64 минг рақамга мўлжалланган АТС ҳозларини етказиб бериши керак эди. Аммо шу пайтгача «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат бирлашмаси раҳбариятининг сусткашлиги туфайли бу иш чўзилмоқда. Алоқа коммуникацион станцияларини ишлаб чиқарувчи «Алоқа ДЭУ» заводи ҳалигача ҳеч қимга бирорта коммутация тизимларини етказиб бергани йўқ.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича ДЭУ корпорацияси, «Бақри групп» компанияси ва Япония, Германия фирмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Ўтган йили 2 та йирик халқаро танлов (тендер) ўтказилди.

Кўрсатилган хизматлар учун бўлган дебитор қарзлар, бюджетга ўз вақтида тўловлар ҳам-

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов Фармони билан Ўткир Комилов Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Республикамиз Президенти Кўкдумалок компрессор станцияси қурилиши қатнашчиларига табрик йўллади.

● Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «КОСКОМ» — Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг ишга туширилишига бағиш-

● АКШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг шу йил кузда Ўзбекистон ва Қозоғистонда бўлиши эълон қилинди.

● Японияда фан-техника бошқармасининг маълум қилишча, мамлакат олимлари бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажара оладиган ўта замонавий компьютер-телефон устида бош қотирмоқда. Япон олимларининг янги ихтироси 2003 йилдан амалда жорий этила бошланади. Ён дафтарчадан катта бўлмаган мазкур компьютер-телефон «Ин-

## ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

ланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. «GSM-9000» андозасидаги рақамли уяли алоқа тизими XXI аср технологияси ҳисобланади. Ҳозирда жаҳоннинг 130 мамлакатида яшовчи 40 миллиондан ортқ одам ана шу кўлали алоқа воситасидан фойдаланмоқда.

● Россияда шу йил октябр ойидан бошлаб фуқароларга янги паспорт берилади. Шунинг қизиқиши, энди россияликлар ҳозиргидек 16 ёшдан эмас, 14 ёшдан паспорт оладилар.

тернет» каби халқаро тизимларга уланади ва мижозлар учун электронлашган усулда савдо-сотик қилиш, мактуб жўнатиш ва бошқа ишларни тез ҳамда осон бажариш имконини беради.

● Саудия Арабистони пойтахтида яшовчи аёллардан бири бир йўла беш фарзандли бўлди. Уч қиз ва икки ўғил чақалоқлардан ҳар бирининг вазни 1,5 килограмм атрофида. Муддатидан икки ой аввал туғилган бўлишига қарамай уларнинг барчаси соғ-саломат.

## ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Андижон вилоятининг гўзал гўшаси — Хўжаобод туманининг Қўрпа қишлоғи ёнида вилоят алоқачиларининг фарзандларига 18 йилдан буён ёзги оромгоҳ хизмат кўрсатмоқда. Бу йилги мавсумда ҳам Андижон шаҳар электралоқа боғламаси маъмурияти, касабга уюшма қўмитаси оромгоҳнинг яхши ишлаши учун барча чораларни кўрди. Хўжалик ишлари ҳашар усулида, корхона ҳисобидан бажарилди. Табиий газ қувурлари ўтказилди, оромгоҳ ҳудуди 0,4 гектарга кенгайтирилди, девор билан ўралди, ҳар хил анжомлар — қўрпа, чойшаб, ёстик, ошхона буюмлари, видеоиккилик олинди, йўлларга ёриткичлар ўрнатилди.

Ҳозир оромгоҳ дам олувчиларни ўз бағрига олган. Оромгоҳ раҳбарлари болаларнинг мазмунли дам олиши учун ҳаракат қилишяпти. Турли хил саёҳатлар, қизиқарли тadbирлар уюштирилмоқда. Болалар соғлиғи доимо шифокор назоратидадир.

Раҳмонжон УЗОҚОВ, Андижон вилояти

**Бухоро вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Исрафил Ридванович ЧАКИДЗЕ муҳбиримизга корхона фаолияти ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди:**

— Маълумки, бу йил кузда Бухоро шахрининг 2500 йиллик тўйи кенг миқёсда нишонланади. Бу санани вилоятдаги ҳар бир корхона, ташкилот баҳоли қудрат тўёна билан қарши олишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, бизнинг корхона ҳам ўтган йили Жанубий Корея билан ҳамкорликда 30 минг рақамли электрон АТСни куриб фойдаланишга топширди. Мутахассисларимизни Жанубий Кореяга ўқишга юбордик. Улар ўқиб, тажриба ортириб қайтишди. Ана шу ҳодимларимиз бугунги кунда янги АТСларда ишлаяпти. Корхонамизда кадрларни қайта ўқитадиган курсларимиз бор. Ходимларимиз замонавий техникани ўрганишади. АТСларимиз компьютерлаштирилган бўлиб, бутун ҳисоб-китоблар ана шу замонавий техника ёрдамида амалга ошириляпти. Зарур маълумотни компьютер орқали бемалол олиш мумкин.

## ФИДОЙИ БЎЛАЙЛИК



Хукуматимизнинг кадрларга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. Барча ишларни кадрлар ҳал қилади. Шундай экан, биз бу масалага алоҳида эътибор билан қараяпмиз. Вилоятимизда кадрлар кўнимсизлиги йўқ. Ишчи-ҳодимларга барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз. Ишга кирдимиз, ўша жойда бемалол ишлайверамиз. Агар малакаси йўқ бўлса ёки ишлаб олмас, ўқитиб ўргатамиз. Деярли барча кадрлар маҳаллий аҳоли вакиллари. Бу ҳолат қувонарликдир. Аммо ачинарли томонимиз.

юборамиз. Алоқачиликни танлаган ёш мутахассисларни қисқа курсларда қайта ўқитяпмиз. Нима учундир айрим ёш мутахассислар билимини оширмайди, замонавий техника сир-асрорларини тезда ўзлаштира олмай юришади. Менимча талабчанликни янада оширишимиз зарур. Тошкент электротехника Алоқа институти ва Алоқа коллежи ўқув базасини янада мустаҳкамлаб, таълим-тарбия жараёнини тубдан ўзгартириши керак. Бизга келаятган ёш мутахассислар баъзан оддий нарсаларни ҳам билиш-

майди. Биз фақат бугунги кун билан яшамасдан, эртанги кунни ҳам ўйлашимиз лозим. Айни кунда Бухоро вилоятидан ТЭАИда 35 нафар талаба тахсил олади. Биз уларнинг аҳолидан доимо хабардор бўлиб турибмиз. Корхона ҳисобидан 2 кишини институтда ўқитяпмиз.

Кейинги пайтларда дебитор ва кредитор қарзлар масаласида қийинчиликлар туғиляпти. Агар бу масалалар тезроқ ҳал қилинса, ишимиз анча олдинга силжиган бўларди. Вилоятимиздаги жуда кўп бюджет ташкилотларининг корхонамиздан дебитор қарзлари бор. Ушбу қарзларни ундиришда прокуратура ходимлари бизга яқиндан ёрдам беришяпти. Бу маблағлар ўз тасарруфимизда бўлса, соҳани ривожлантиришга сарфлар эдик. Мана шундай вазиятда қўл қовштириб ўтириш уят бўлади. Излаган имкон топади деганларидек, дебитор қарзларни ундириб олишга ҳаракат қиляпмиз. Корхонанинг иқтисодий базасини

мустаҳкамлаш учун изланяпмиз. Ҳатто мантурларимиз ҳам ишдан кейин абонент тўловларини йиғиб келишга жалб қилинган. Япония томонидан ажратилган кредит асосида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Корхонада барча ҳужжатлар давлат тилида олиб борилмоқда. Бунга эришиш учун корхонамизда тил ўргатадиган ўқув курси ташкил этилган. Бошқа миллат вакиллари бу ерда ўзбек тилини ўрганишди. Ҳозирги кунда улар корхонадаги барча меъёрий ҳужжатларни ўзбек тилида юртишяпти. Энди эса лотин ёзуви бўйича сабоқ беришга тайёргарлик кўряпмиз.

Ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам бор. Ютуқлардан ҳақли равишда қувонамиз. Камчиликлар ва нуқсонларни илдириш отмасдан тугатиш зарур бўлади. Бунинг учун тинмай изланиш керак. Қолаверса, юрт олдидаги масъулият, замон билан ҳамнафас яшаш биздан фидоийликни талаб қилади.

**Сухбатни Иззат АХМЕДОВ ёзиб олди**

## ФАҚАТ БИЛИМДОНЛАР ЎҚИЙДИ

**Бугунги кунда республикамиздаги барча билим даргоҳларида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш қизғин палласи кирган. Тошкент Алоқа коллежиди ҳам бу борадаги ишлар ниҳоятда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Коллежга юртимизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган ёш йиғит-қизлар ўзлари қизиққан мутахассисликлар бўйича ҳужжат топширишмоқда. Бу борадаги ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур ўқув юртида бўлди. Коллеж қабул комиссиясининг масъул котиби Марат Ҳотамович ИКРОМОВ бизга қўйидагиларни гапириб берди:**

— Тошкент Алоқа коллежининг ташкил этилганига бу йил 65 йил тўляпти. Коллежимиз олдин техникум сифатида фаолият кўрсатган бўлиб, Марказий Осиёда ягона эди. Ўтган 65 йил ичида бу ерда ўн минглаб юқори малакали техник алоқа ходимлари тайёрланди. Улар орасидан кўпгина олимлар, фан арбоблари, раҳбар-ҳодимлар ҳам етишиб чиқди.

Ҳозирги кунда коллежда ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ўқиш икки семестр ҳисобида ва рейтинг назорати асосида олиб борилмоқда, бу эса яхши натижалар берапти. Вилоятдан келиб ўқиётганлар барча шароитлар яратилган ётоқхоналар билан таъминланган.

Айни пайтда коллежда 6 та мутахассислик бўйича қабул режаси амалга оширилмоқда. Коллежда кундузги ва сиртки бўлимлар мавжуд бўлиб, бу йил режага асосан кундузги бўлимга 300 нафар, сирт-

ки бўлимга эса 150 нафар ўқувчи қабул қилиниши керак. Ҳужжатларни топшириш муддатлари эса 9 синфни битирган ўқувчилар учун 1 августгача, 11-синфни битирганлар учун 25 июлгача белгиланган. Ҳозирги кунгача 350 дан орттиқ абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул қилиб олинди. Коллежга кирувчилар учун тест синовлари 11 августда бўлиб ўтади. Имтиҳонларнинг тест усулида ўтиши эса фақатгина билимли болалар коллежга қабул қилиниши учун имконият яратади. Қабул комиссияси энг замонавий компьютерлар билан таъминланган. Бу қабул комиссияси ишини анча енгиллаштирмоқда.

Коллежимизда тажрибали ўқитувчилар кўпчиликини ташкил этади. Улар таълимда назария билан амалиётни бир-галликда олиб боришга алоҳида эътибор беришмоқда. Бу эса малакали мутахассис, тайёрлашда катта амалий ёрдам беради.

**Сухбатни Файрат ЮСУПОВ ёзиб олди**

Почта алоқа хизматининг ҳаётий аҳамиятини ҳамма бирдай тушунавермайди. Оқибатда соҳамизга қандайдир бепанас назар билан қарайдиганлар бор. Бозор муносабатларига ўтиш бошланганда «Энди почта давлат тасарруфидан чиқиб, ўзини-ўзи эплай олмай қолади» деганлар ҳам бўлди. Улар ҳар қандай давлат почтасиз, телеграфсиз, ахборотсиз яшаёлмаслигини унутиб қўйишди.

Ҳозир иқтисодий ислохот чуқурлашиб бораётган бир пайтда ҳам почта давлат тасарруфидадир. Бу билан ҳимоямиз зўр демокчи эмасан, балки хизмат соҳамизнинг аҳамияти ва нуфузини таъкидламоқчиман, холос. Дарҳақиқат, кундалик ҳаётий мизни газета-журнал, хат-хабарсиз тасаввур эта олмаймиз. Хўш, буларни элга ким etkaziб беради? Албатта, биз— почта ходимлари. Шундай экан, тармоғимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Давлат тасарруфиди турганимиз асло бизни боқибегам қилиб қўйгани йўқ. Аксинча, замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, соф даромад топиш йўллари изламоқдамиз. Бунинг учун 140 кишилик жамоамиз кўли-қўлга бериб меҳнат қилмоқда. Оддий мисол:

мижозларга бандероль etkaziб берганимиз учун 3 сўм олинмоқда ва ўз вақтида қватанция тўлғазиб берилмоқда. Ходимимиз бу даромадга майда пул деб қараётгани йўқ, балки «тома-тома кўл бўлур» қабилда иш тутмоқда.

Денов туманидаги 35 минг хонадонга хизмат кўрсатяпмиз. Дейлик, бир кунда 2 минг ёки 3 минг хонадонга хат-хабар, бандероль, жўнатма etkaziб берганимиз учун хизмат ҳақини олиб, расмийлаш-

**ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ**

тириб бердик. Ҳисоблаб кўринг-чи, ходимларимиз ўша арзимас 3-4 сўм ҳисобига қанча даромад олиб келяпти экан!

Ха, Денов шундай бир худудки, унинг хонадонлари республикамизнинг турли бурчаклари билан боғланган. Демак, имкон доирамиз ҳам кенг.

Тушаётган даромадлар ҳисобига почта ходимларининг моддий фаровонлиги ошмоқда. Масалан, ўтган йили жамоамиз бўйича ўртача маош миқдори 1972 сўмни ташкил этганди. Бу тумандаги энг юқори натижадир. Бундан

### • Иқтисодийёт ва алоқа

ташқари, яхши ишлаганлар рағбатлантирилди. Дам олиш, даволаниш имтиёзларидан баҳраманд этилди. Бир тасодиқ тўфайли почтачимиз уйи ёниб кетган эди. Унга моддий ёрдам кўрсатдик. Қурилиш материаллари ва уй-рўзғор буюмлари олишда кўмаклашдик. Ҳашарда аҳил бўлиб қатнашдик.

Инсон манфаатлари йилида жамоа жипслигини мустаҳкамлашга янада катта эътибор бермоқдамиз. Йилнинг дастлабки чорагини 338 минг сўм соф фойда билан яқунладик. Бундай маблағ жамоа аъзолари маошининг ўз вақтида берилишини таъминламоқда.

Почта жўнатмалари ва газета-журналларни Сарисоё аэропорти орқали олаётганимиз одамларнинг почта хизматида ишончини янада оширмоқда. Чунки улар марказий матбуот нашрларини «иссиғи»да ўқишмоқда. Биз элга хизмат даражасини янада юқори поғонага кўтаришнинг ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки почтанинг турмушида муҳим ҳаётий эҳтиёжларини яхши биламиз.

**Одил ХИДИРОВ, Денов туман почта алоқа боғламаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти**

### ТАШКИЛОТЛАР, ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳар радио тармоғининг янги мánзилгоҳини маълум қилади:

**Чилонзор маззе, «Ц» даҳа, 76-АТС.  
Маълумот учун телефонлар: 76-03-28 (қабулхона);  
76-18-00 (абонент бўлими);  
76-02-06 (таъмирлаш бўлими).**

### ШАБРИКЛАЙМИЗ!

**Ҳурматли Исмаил ЭРРАХМАТОВ!**  
Сизни 60 ёшингиз ва алоқа соҳасидаги фаолиятингизнинг 43 йиллиги билан чин дилдан табриқлаймиз ҳамда узоқ умр, сийхат-саломатлик тилаймиз.

**Якқабог туман электралоқа боғламаси жамоаси, Қашқадарё вилояти**

### Ҳурматли Раҳимжон ҚОДИРОВ!

Сизни кўтлуг 55 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Фарзандларингиз бахтига доимо соғаломат бўлинг. Алоқа соҳасидаги ишингиз ҳамisha бароридан келсин.

**Ҳамкасбларингиз, Андижон вилояти**

• Мерос

Абу Исо ТЕРМИЗИЙ

## ҲАДИСЛАР

Абу Умоманин ривоят қилишча, одамлар: «Ё Расулulloх! Икки киши бир-бири билан учрашса, қайсиси олдин салом беради?» деб сўрашди. Расулulloх: «Оллоҳдан умиди кўпроги» дедилар.

\*\*\*

Анас ибн Молиқнинг ривоят қилишча, ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Эй ўғлим, агар оиланг ҳузурга кирсанг, салом бер, сен учун ва оиланг учун барака бўлади».


\*\*\*

Анас бин Молик шундоқ ривоят қилади:

«Бир киши: «Ё Расулulloх!— деди. — Бир-биримиз билан учрашганда, бир-биримизга эгилиб кўришамизми?» Расулulloх: «Йўқ» дедилар. У: «Узоқлашамизми ёки ўпишамизми?» деди. Расулulloх: «Йўқ» дедилар. У: «Қўлдан ушлаб кўришамизми?» деди. Расулulloх: «Ҳа» дедилар».

\*\*\*

Али ибн Абу Толиб ривоят қилишча, ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: «Муслимонларнинг бир-бирларида эзгуликда олти ҳақлари бор. Агар учрашса, салом беради, чақирса боради, аксирса жавоб қилади, касал бўлса бориб кўради, ўлса жанозасида қатнашадди, ўзига раво кўрган нарсани унга ҳам раво кўради».



Шодмон ОТАБЕК

**Кўндаланг қўйилган оддий бу савол айримларда ис-  
техзо уюғотиши мумкин: «Маза қилиб, тўйгунча мириқиб  
ухласанг ёки чойхонада улфатлар билан ошхўрлик қилиб,  
яримтани майдала-аб бир гурунглашсанг бас, бундан зўр  
дам олиш борми?!»**

Дарҳақиқат, одамзодга бир марта бериладиган қисқа, та-барруқ умрни беҳуда елга со-вурадиганлар, ана шу умрни мазмунли, мароқли ўтказишда асқотиши мумкин бўлган дам олиш кунлари ва меҳнат таъти-лини бир ёклама, саёз тушуна-диганлар ҳам афсуски, оз эмас. Гап фақат тушуниш-тушунмас-ликда эмас, шекилли.

Ўзбек табиатини болажон, са-ховатли, орзумант халқ. Шунинг учун унинг меҳнат таътили ҳам «ўзбекча» ўтади — аяни дам олиш мавсумида захмат чекиб орат куради, таъмирлаш иш-

Хизмат тақозоси билан На-манган вилоятига сафар қилдим. Ўйлақай Чустга, ундан Гова де-ган тоғ кишлоғига ўтдик. Вилоят нурчиларининг дам олиш мас-каниде бўлдик.

Ўлкамининг гўзал, хушман-зара жойларини беихтиёр Шо-ҳимардон, Арслонбобга қиёс-лаймиз. Гованинг манзараси ҳам мана ўша машҳур жойлар-дан қолишмасди. Боз устига, бу ердаги табиат гўзаллигига ин-сон қўли билан барпо этилган бунёдкорликлар ҳам қўшилиб, худди узукка кўз қўйгандай ажди мубаносиблик касб этган-ди. Тун сокинлигида Гова-

келаверади. Беихтиёр Рауф Парфининг «Юрасанми шаҳар-да қорайиб, кетмайсанми узоқ-узоқларга учиб, шаҳарлик чум-чук» деган шеърини эслайман...

Мирёқуб деган дарвешсифат бир дўстим бор. Болалик ва ўс-мирликдаги беғуборлигини, соддалигини ҳали-ҳамон сақлаб қолган. Сабаби, менимча, сай-ру саёҳат ва табиат «жинниси» эканлигида бўлса керак. Фақат Ўзбекистоннинг эмас, собиқ СССРнинг у бормаган, яшама-ган гўшаси қолмаган. Ўғли, бў-лажак расом Синдбодни (исми қаранг!..) ҳам шу руҳда тар-биялаган... (Ота-боланинг саё-ҳат маҳали, чодир ёнида туш-ган сурати суҳбат билан «Ха-бар»да босилган).

Дунёни билишга, кўпроқ на-рсани кўришга интилиш, жаҳон-гашталиқ азрўйи азалдан бани

## ДАМ ОЛИШНИ БИЛАМИЗМИ?

лари билан машғул бўлади ёки йиллар давомида тийинлаб йиқ-қанини бир кунда совириб, кат-та тўй қилади... Кейин, бури-дан торсанг йиқилгудай бир ал-лоҳда яна ишга чиқиб кетаве-ради. Хуллас, ўзбек ўзи учун яшамайди.

Халқимиз ўз фазилатларининг маҳсули бўлиши бу камчилигини билмайди дейсизми? Жуда яхши билади. Ўзаро гурунғ, су-ҳбатларда «Биз ҳали яшашни бил-маймиз» дея афсусланиб ҳам кўяди. Аммо негадир яхши яша-шга шашмайди...

Яхши хордиқ чиқариши учун кимматбаҳо хорижий, марказий тироҳатгоҳ, шифохоналарга бориш (эндиликда бунга ҳамма-нинг ҳам кўриб етавермайди) шарт эмас. Юртимизни жаннат-макон ўлка деймиз. Бу шунча-ки баландпарвоз, китобий гап эмас. Ростдан ҳам шундай. Бун-га мен яқинда яна бир қарра гувоҳ бўлдим.

сойнинг ёқимли мусикадай ку-лоққа хуш ёқувчи шовуллаши, қалин дараклардаги булбуллар-нинг галма-гал сайраши бетак-рор, хузурбахш тоғ ҳавоси шу қадавр мафтун этган эдики, ма-бодо ухлаб қолсак бу наъшу на-молардан марҳум бўладигандек, ҳамроҳим Рустам билан теварақ-атрофни сайр қилиб, тонг от-тирдик...

Ҳа, юртимиз ростдан ҳам жан-натмакондир. Фақат биз уни ях-ши билмаймиз. Менимча, ватан-парварлик биринчи галда ўлка табиатини ўрганишдан, ундан завқ ола билишдан бошланади.

Табиатга ошuftалик, у билан уйғунликда яшаш илми ҳам худ-ди нафосат туйғуси янглиғ бо-лаликдан, тарбия орқали инсон онги шуурига сингдирилгани маъқул экан. Болаларини да-лаҳовлига — тоғ ховлисига олиб чиқиш мен учун анча мушкул иш. (Ваҳоланки уларнинг икки-таси расом, иши-хунари табиат билан бевоисита боғлиқ.) Бирон баҳона топиб, шаҳарда қолгиси

башарнинг қонида бор. Ахир юрган дарё, ўтирган бўйра дея бежиз айтилмаган, «Юпанчим бир саёҳатдир» дея шoir ҳам беҳуда куйламаган.

**Шифокорларнинг тилида «фаол дам олиш» деган ибор-ра бор. Маза қилиб уйда ух-лаш ёки чойхонада бўкиб қол-гунча ош ейиш албатта «фаол дам олиш»га кирмайди. Ҳаёт-нинг ўзи ҳаракатни тақозо этади. Муттасил бир хил му-ҳитда, бир хил ишни қила-верши охир-оқибат тинкани кўрилади. Шундай экан, азизлар, келинг, ҳеч бўлма-ганда дам олиш мавсуми ҳи-собланмиш ёзни соз ўтка-зайлик, мундоқ кўкрагимиз-га сал шамол тегсин, таас-суротлар янгилансин, шунинг баробарида ўзимиз ҳам ян-гиланайлик. Бу эса ўзликни англаш сари ташланган да-дил қадам бўлади.**

Шодмон ОТАБЕК

• Бу — қизиқ

## СОЗЛАР ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

Бу афсона Фарғонада яратилган. Бир кун чўпон ўртаси қамиш каби говак бўлган тўнғиз тикандан ҳасса ясабди. Тасодифан унга пуфлаган экан, «қр-р-р» деган товуш чиқибди. Шу-шу чўпон ўзининг кўтонидаги қўйларни ана шу ҳассадан чиқадиган товуш-га ўргатибди. Қўйлар бу товушни эшитиш-лари билан чўпоннинг теварағида тўплани-шаркан.

Чўпон «қр-р-р» деган товушга «най» сўзи-ни қўшибди. Ана шу қабилда янги сознинг номи «карнай» деб аталиб, халқ ўртасида машҳур бўлиб кетибди.

Дастлаб унинг узунлиги 1 метр атрофида бўлган, кейин уни ёғоч ва мисдан ясаганлар-ридан кейин қарнайнинг узунлиги икки метр-га етказилган. Карнай ўта кучли овоз чиқар-гани учун XIII асрда Чингизхон қўшинларида ҳарбий мақсадларда ишлатилган. Асосан у ҳарбий шароитда қўшинларга хабар бериш-да ва душманни даҳшатга солишда қўл кел-ган.

Ўтмишда хон ўрдасига қайтаётганида кар-най хон келганлигини аён қилган. («Хон кел-ди, хон келди...»). Хатар туғилганида ҳам қарнайда махсус куй чалинган. Хабар саси-ни эшитиши билан эркаклар қурол олиб, кўр-ғонга етиб келганлар.

Алоэ қадимдан машҳур, гоят шифобахш ўсим-ликдир. Унинг янги узилган барглари ҳам, мах-сус тартибда тайёрланган шираси ҳам дори си-фатида ишлатилади. У ховлида ҳам, хонада ҳам бирдай яхши ўсади. Анчагина беор ўсимлик. Ба-ҳордан то кеч кузгача очик ҳавода турса тез авж олади.

Алоэ тиббиётда кенг қўлланилади. Дори си-фатида унинг сергўшт, сертикан хиллари олина-ди. Гулламаган алоэнинг шифобахш таъсири яна-да кучлидир. Эт шикастланганда ёки қонаганда, алоэ барги яхшилаб ювилади ва узунасига қир-киб сергўшт селлик томони ярага босиб боғла-нади.

Йўтал, кўк йўтал, сил касалликларига эса алоэ мураббоси ниҳоятда давошир. Бунинг учун алоэ-нинг барглари кесилиб, яхшилаб ювилиб, ҳар ярим килосига ярим кило шакар тортиб солина-ди. Сўнг барглари жуфтлаб, гўшт майдалагич-

## ШИФОБАХШ АЛОЭ

дан ўтказиб, устига бир кеча шакар сепиб қўйиш керак. Эртасига баргнинг ҳар ярим килоси ҳисо-бига 5-6 стакан сув қўшиб, мураббога ўхшатиб сўст оловда пиширилади. Совутиб, ярим кило-лик шиша идишларга тақсимлаб, иложи бўлса майда сузгичдан ўтказилади ва кунига уч марта бир чой қошиқдан йўтал, кўк йўтал ва силга қар-ши ичилади.

Алоэнинг янги узилган баргларининг шираси ҳам шифо ва қувват бериши азалдан маълум. Ошқозон, ичак яраларини тузатиш учун мутахас-сислар 3-5 ёшли алоэнинг янги узилган баргла-рини қолиб, сузиб, кунига уч марта овуқатдан ярим соат олдин бир чой қошиқдан, касаллиқнинг ол-дини олиш учун эса кунига бир маҳал бир чой қошиқдан икки ҳафта давомида ичиб туришни тавсия қиладилар.

Яна бир кенг тарқалган муолажа: тумов пайти алоэ шираси, асал ва лимон шарбати тенг ми-қдорда аралаштириб уч маҳал бир қошиқдан та-новул қилинади.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҰРАБОЕВ Шухрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХҰЖАМБЕРДИ Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АХМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шохруҳ АКБАРОВ Мехмонкул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0481. 9476 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

